

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ  
ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА МАНТИҚ КАФЕДРАСИ

# КУРС ИШИ

Мавзу: ГАБРИЭЛ МАРСЕЛНИНГ ЭКЗИСТЕНЦИАЛ  
ФАЛСАФАСИ

Бажарди: Хуршид Тошев – “Фалсафа тарихи”  
мутахассислиги 1 курс магистри.

Илмий раҳбар: Г.М.Рузматова – “Фалсафа  
тарихи ва мантиқ” кафедраси доценти.

Тақризчи: Г.М.Қобулниёзова – “Фалсафа  
тарихи ва мантиқ” кафедраси доценти.

ТОШКЕНТ - 2012

# **М У Н Д А Р И Ж А**

	<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>1</b>	<b>Францияда экзистенциал фалсафанинг ривожи.....</b>	<b>4</b>
<b>2</b>	<b>Габриэл экзистенциализми.....</b>	<b>7</b>
<b>3</b>	<b>Габриэл Марселнинг диний-ахлоций таълимоти.....</b>	<b>11</b>
	<b>Хуроса .....</b>	<b>21</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати....</b>	<b>23</b>

## КИРИШ

Бутун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун эса ҳозирги фалсафий қараш дурдоналари билан қуролланишимиз керак. Мана шундагина фалсафий фикрлар тараққиётига, диёrimизда яратилган тафаккур тараққиётига, ҳозирги замон фалсафасининг асосий муаммоларига тўғри ва холисона баҳо бера оламиз. Шунинг учун ҳам фалсафа муаммоларини, фалсафий меросни тадқиқ қилиш доимо кун тартибида турувчи долзарб масалалардан бири бўлиб қолаверади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви фалсафий меросни ўрганишга, унга холисона фикр билдиришга катта имкониятлар яратди, асори-антика ёдгорликларни асраш, умуминсоний қадриятларни тиклаш, қадимий бой тарихимизни бир ёқламали ёритиш, чегаралаш, маълум жараён ва илм-фан арбобларининг фаолияти ва хизматини инкор этишдек нотўғри ғоялар ва усуллардан тозалашга, ҳур фикрлиликка шароит тутғидирди.

Фалсафий меросни, ўтмиш қадриятларини кенг ва ҳар томонлама ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузаларида бир неча бор таъкидланганидек<sup>1</sup>, ҳозирги маънавиятнинг чуқур тарихий илдизларини шаклланиш босқичлари ва хусусиятларини очиб бериш учун зарурдир. Бу эса, ўз навбатида, миллий онг, миллий ғуур, тарихи, ўтмиш авлодлар хизматига ҳурмат-эътиборни, ҳалқ меҳнатига, ватанга севги туйғусини шакллантириш, янги жамиятимизнинг тўғри ривожини, келажагини оқилона белгилаш, юксак демократик давлат қуриш учун хизмат қиласи.

---

<sup>1</sup> Каримов И. XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. –Тошкент: Узбекистон, 1997. Б. 34.

## **1. Францияда экзистенциал фалсафанинг ривожи**

Экзистенциализм фалсафаси XX аср бошларида Германияда юзага келди. Бу даврда ижтимоий-сиёсий шароитлар Биринчи Жаҳон урушидан сўнг анча мураккаб эди. Бундай шароитда янги фалсафий ғояларнинг шаклланиши ва уларнинг янги фалсафий оқимга айланиши муқаррар эди. Экзистенциализм фалсафаси айнан шу оқимлардан бири бўлди. Лекин бу фалсафа, албатта, бўшлиқда пайдо бўлгани йўқ. Унинг назарий ва ғоявий асослари С.Къеркегор ва А.Шопенгауэрнинг тушкунлик фалсафаси, Н.Бердяевнинг романтик ва мистик қарашлари, Ф.Ницше ва В.Дильтейнинг “хаёт фалсафаси”дир. Бадий адабиётда экзистенциализмнинг шаклланишига Кафка, Марк Аврелий, Ф.Достоевскийларнинг ижоди катта таъсир қўрсатди.

Экзистенционализм фалсафасида "экзистенция" тушунчаси асосий тушунчалардан бири ҳисобланади. "Экзистенция" - "мавжудлик" деган маънони англатади. Бу тушунчанинг шаклланишида неокантчиликнинг ҳам таъсири бўлган. Айниқса, "экзистенция" тушунчаси Кантнинг "нарса ўзида" тушунчасига ўхшаб кетади. Кант фалсафасида "нарса ўзида" биз учун сирли бир олам бўлиб қолгандай ва бу сирли оламга ўтиш, яъни Кантнинг ибораси билан "транценденция" содир бўлиши қандай мушкул бўлса, экзистенционализм фалсафасида ҳам инсон борлиғини билиш ва шу борлиқнинг ички моҳиятини тушуниш ниҳоятда қийин. Бу қийинчиликнинг сабаби нимада?

Экзистенционализм борлиқ ва инсон борлиғи масаласини кўтаради ва бу борлиқ инсондан ташқарида бўлганлиги учун инсон бу борлиқни идрок эта олмайди ва у ҳақида ҳеч нарса дея олмайди. Биз бу ерда инглиз файласуфи Жорж Берклининг қарашларига ўхшаш мулоҳазаларга дуч келамиз. Беркли "бутун олам менинг ҳис-туйғуларим" - деганидай, экзистенциализм ҳам инсоннинг ҳис-туйғулари чегарасидан чиқиб бўлмайди, деб таъкидлайди. Берклининг бундай дунёқарashi солипсизмга

олиб келди, яъни бу оламда мендан бошқа ҳеч нарса йўқ деган фалсафий фикрни келтириб чиқарди. Солипсизм тузоғига тутилмаслик учун экзистенционализм фалсафасининг асосчилари инсондан ташқаридаги борлик масаласини эътиборга олишмади. Улар борлиққа эмас, инсон мавжудлигига диққатларини қаратдилар. Инсон борлигини "экзистенция" деб атадилар. Инсоннинг мавжудлигига ҳаётнинг моҳияти очилмайди. Биз инсон борлигининг моҳияти нимада деган саволни ўртага ташлай олмаймиз. Шунинг учун ҳам инсон ҳаётининг мавжудлиги, моҳияти, мазмуни биз учун сир бўлиб қолаверади. Нега деган савол туғилади?

Бу саволга жавобни экзистенциалистлар инсоннинг бегоналашувидан ахтарадилар.

Дастлаб, инсон табиат кўйнида яшар экан, уни ўзидан ажратмайди ва табиатнинг бир қисми сифатида мавжуддир. Лекин кўхна ўтмишнинг бу даври узокқа чўзилмайди. Инсон тафаккури тараққиёти натижасида у сунъий табиат яратиб, ўзини табиатдан ажрата бошлади. Бу бегоналлашиш жараёни хусусий мулкнинг шаклланиши, шаҳарларнинг пайдо бўлиши натижасида ниҳоятда кучайиб борди. Инсон ақли яратган фан ва унинг ютуғи бўлган техника бегоналлашиш жараёнининг кучайишига олиб келди. Қачонлардир ягона бўлган одамзод миллатлар, элатлар ва давлатларга бўлинив кетди. Натижада инсон, ҳам табиатдан, ҳам кишилик жамиятидаги ўзаро қардошлиқ алоқаларидан бегоналлашиб қолди. Бу бегоналлашишнинг иккинчи босқичи бўлди.

Экзистенциалистлар фикрича, бегоналлашиш жараёнининг учинчи босқичи ҳозирги замонда давом этмоқда. Бу босқичда инсон ўзининг ички оламидан, ўзининг ҳаётидан, мазмунидан ҳам бегоналлашиб қолмоқда.

Инсон ўзининг ботиний табиатини йўқотиб, факат зохирий табиатда яшаб, унга мослашиб бормоқда. Инсон тобора ўзининг ички ҳиссиётларини йўқотиб жамият машинасининг бир заррачасига айланиб қолмоқда.

Демак, экзистенциалистлар фикрича, инсон жамиятда ўзининг қандайдир ролини бажариб боради. Бу хилма-хил никоблар ортида инсоннинг асл қиёфаси яшириниб ётади. Бу асл қиёфа қачон очилиши мумкин. Бу қиёфа заминида ётган инсон моҳияти қачон юзага чиқади? Бу масала экзистенционализмни ниҳоятда қизиқтириб келди. Экзистенциализм фалсафаси инсон ўз ҳаётининг моҳияти ва маъносини англаши учун, у эркинликка ва эркин танлаш ҳукуқига эга бўлиши керак, деган фикрларни илгари сурди. Лекин инсон бу эркинликни суъистемол қилиб, билим мевасидан татиб кўрди ва шу билан гуноҳкор бандага айланди. Унинг гуноҳи билимга эга эканлигидир. Шу билим орқали инсон ўзининг фожиасига ўзи сабаб бўлди.

Демак, инсон ҳаёт моҳиятини билишга эмас, балки шу ҳаётда яшаш, мавжуд бўлишга интилиши керак. Борлиқдаги барча жараёнлар Сартр таълимотига кўра, "нарса ўзида" бўлиб қолаверади ва биз уларнинг сирини очолмаймиз. Ҳатто, илм-фан ҳам нарса ва ҳодисаларни фақат юзаки ҳодиса сифатида ўрганади. Уларни харакатга келтирувчи бирламчи кучларни ва бирламчи сабабларни метафизика, деб атаб, назарга ҳам илмади. Натижада оламдаги барча воқеа ва ҳодисалар инсон томонидан сир, махфий "шифр"ларга айланиб қолди. Бу сирлар, махфий шифрлар ичida инсоннинг ўзи ҳам бир катта сир бўлиб қолди. Хайдеггер фикрича, инсон ички моҳиятининг очилишига ёрдам берувчи воситалар тасвирий санъат ва мусиқадир. Айнан шу соҳаларда инсон табиатида яшириниб ётган ижодкорлик кучлари юзага чиқади.

Ижод қилиш, янгилик яратиш инсон табиатидаги энг катта мўъжизадир. Инсон жамиятда ўз ўрнини топаолмаса, бу ижодкорлик кучини юзага чиқара олмайди. Унинг қалбида яшириниб ётган марварид, худди денгиз тубида яшириниб ётган марвариддай ўз нурини ҳеч кимга ёғдира олмайди. Инсон қалби яширин қолар экан, ундаги нур ҳам хиралашади. Қалби яширин инсондан ташкил топган жамият эса ёпиқ жамиятга айланиб қолади. Бундай жамиятда инсон ижод қилишдан маҳрум

бўлиб қолади. У фақат моддий манфаатларга интилиб яшайди. Унинг моддий манфаатлари ва эҳтиёжлари бирин-кетин пайдо бўлиб, ҳеч вақт тугамайди. Бу манфаатлар кетидан интилган шахс ҳеч вақт ўз мақсадига эриша олмайди.

Экзистенциал файласуфлар фикрича, ҳозирги жамиятдаги инсон ҳаётга бўлган қизиқишини тобора йўқотиб бормоқда. У табиатнинг гўзаллигини ҳам, бошқа инсонлар кайфиятини ҳам ҳис қилмайди. Инсон фақат ақли билан яшар экан, ақл уни фақат ўз манфаатларини кўзлашга ундейди. Натижада инсон ҳаётидан эзгулик ўрнига фақат фойда ахтаради. Бундай одамнинг онги дастурлаштирилган машинага, компьютерга ўхшаб қолади. Инсон ҳам компьютерга ўхшаб, ички беғубор ҳиссиётларидан маҳрум бўлиб қолади. Бундай одамларга ҳаёт зерикарли, маъносиз бўлиб туюлади. Юракдаги болаларга хос бўлган самимийлик ва ҳайратланиш хусусиятларини сақлаб қолган одамлар ҳаётнинг гўзаллигини ҳис қилиши мумкин. Хайдеггер фикрича, инсон ўз қўллари билан яратган нарсалардагина жозиба, илиқ сақланади. Инсон бу нарсаларни яратишида уларга ўз меҳрини, рухиятини беради. Ҳозирги замонавий саноат маҳсулотлари эса инсон билан бундай руҳий алоқани йўқотган ва натижада инсон ўзи яратган моддий оламдан ҳам бегоналашиб қолиб, нарсалардан фақат манфаат келтириш жиҳатидан фойдаланади.

## **2. Габриэл Марсел экзистенциализми**

Йигирманчи асрнинг 20-йилларида Францияда экзистенциализм шаклана бошлайди. Шу қаторда Габриэл Марселнинг диний экзистенциал фалсафаси ҳам шулар жумласига киради. XX асрнинг 40-йилларида турли турдаги атеистик экзистенциализм йўналишлари шаклана бошлайди. Уларнинг йирик вакиллари Жан Пол Сартр, Альбер Камю, Мерло Понти ҳисобланади. Атеистик экзистенциализм расмий университет фалсафасига муқобил таълимот бўлиб, унга қарши исён сифатида ривожланади. Экзистенциалистлар университет фалсафасини ҳаётдан ажralган мавҳум

онтологик ва гносеологик муаммоларни ҳал қилишга диққатини қаратганликда айблайдилар. Уларнинг таълимотида кундалик ташвишлари билан, изтироблари билан ўралашган инсоннинг ҳаёти йўқолиб қолган. Шунингдек, университет фалсафаси идеализмга берилганликда, воқелик самовий ғояларга қоришиб кетганликда, инсон борлиги зиддиятларини мантикий қонуниятларга бўйсинтериилганликда айбланади. Экзистенциалистлар бу танқидий муносабатни ривожлантириб, мавхумлик билан идеализмдан воз кечадилар. Улар ўз мулоҳазаларининг асосига конкрет, истак ва эҳтиросларга эга бўлган реал мавжуд инсонни қўядилар, инсон ўз даврининг маҳсули сифатида намоён бўлади. Инсон нафақат фикрлайди, балки у ҳаёти йўлида пайдо бўлган муаммоларни енгиб боради, ўз омадсизликларидан чукур изтиробга тушади. Бунда экзистенциалистларни инсон ҳаётининг фожиявий, низоли жиҳатлари ўзига жалб қиласди, бу эса қўрқув, афсус, надомат, чукур қайғу каби салбий туйғулар билан боғлиқ бўлади.

Франция XX аср биринчи чорагида, биринчи жаҳон урушидан сўнг ғолиб-мустамлакачи, давлатлардан бири эди. Ана шу тарихий воқеалар экзистенциал ғояларнинг ривожига кенг йўл очиб берди. 1929-1933 йиллардаги дунёвий иқтисодий инқирозлар мамлакатни саросимага солди, фашизмнинг тазики, халқнинг матонатли қаршилиги туфайли бартараф қилинди. 1940 йилда Гитлер Германиясининг уруши, тўрт йиллик оккупация, урушдан кейинги қайта тикланишлар, мустамлакачиликнинг барҳам топиши, Въетнам ва Алжирдаги урушлар, Францияни узоқ давр ичиди Американинг камситувчи диктатураси остида бўлиши, 1958 йил май ойидаги фашистик путча, IV Республиканинг емирилиши, шахсий ҳокимият ҳукмронлигини ўрнатилиши қўпгина одамларнинг елкасига фожиявий вазиятнинг оғир юкини юклади. Ана шу кайфият экзистенциализм учун мустаҳкам замин яратди. Шуни таъкидлаш зарурки, замондошларининг фожиявий дунё ҳиссиётини кўриб турган экзистенциалистлар инсон ҳаётини қайта кўриб чиқишига интилдилар, унда

яшаш учун қувватни уйғотиши истадилар, чиқиб кетиш йўлларини изладилар.

XX аср 20-йилларининг бошида Францияда Гуссерл феноменологияси ёйила бошлайди. Бунда Страсбург университети илоҳиёт факультети катта роль ўйнади. 1925 йилда Ж.Эрен “Феноменология ва диний фалсафа” мавзусида диссертацияни ҳимоя қилди, 1928 йилда М.Шелернинг “Табиат ва симпатия шакллари” асари таржима қилинди, Гуссерл (1929) икки маротаба феноменология ҳақида маъруза ўқиди. Буларнинг ҳаммаси феноменологияга қизиқиши янада ортириди. Феноменология турлича талқин қилинди, бу эса экзистенциал фалсафанинг асосий услубига айланди.

Шундай қилиб, ҳозирда феноменологияни услуг сифатида қўлламаган экзистенциалистларни топиш мушкул. Шунингдек, феноменология тарих, социология ва адабиётшунослик соҳаларига 30-йиллардан француз экзистенциализми шаклланиб ривожлана бошланди. Габриэл Марсел француз экзистенциализмининг йирик вакилларидан бири ҳисобланади.

Габриэл Марсел 1989 йилда туғилган. Бир муддат лицейларда дарс бериб юради. Асосан адабий фаолият билан шуғулланади. Марсел 40 ёшида католик мазҳабини қабул қиласи. Лекин 1950 йилларда Рим папаси экзистенциализмни қоралагандан сўнг, ўз фалсафасини “христианлик экзистенциализми” деган номидан воз кечади, уни “неосократчилик” ёки “христианча сократчилик” деб атайди. Лекин бунда у ўз таълимотининг ғояларини умуман ўзгартирмайди. Олим католик мазҳабини қабул қилгандан сўнг “экзистенциализм” терминини қурбонликка келтиради, чёрков билан низога боришни хоҳламайди.

Марселнинг дунёқарashi турли назарий манбаларга асосланади. Унга Гегель ва Шеллинг таълимоти, инглиз-америкача мутлоқ идеализм намояндаси С.Кольридж ва айниқса, Жон Ройс, А.Бергсон ва У.Жеймс қарашлари таъсир қилган. Ушбу таълимотларга таянган ҳолда Марсел, шу

билин бирга улар билан баҳс қилиб, ўзининг фалсафий таълимотини шакллантиради. Бу таълимотнинг шахсий тажриба таҳлилига бориб тақалади.

Г.Марселнинг асосий фалсафий асарлари: “Экзистенция ва объективлик” (1925), “Метафизик кундалик” (1927), “Бор бўлмоқ ва эга бўлмоқ” (1935), “Инкордан даъватга” (1940), “Сайёҳ одам” (1945), “Борлик синоати” (1951), “Инсонийликка қарши бўлган одамлар” (1951). Унинг кўпгина драмалари тубидан “фалсафий”дир, буларга “Лаззат”, “Қумдаги қаср”, “Янги назар”, “Ёнаётган капелла”, “Муқаддаслик (“Непостижимое”）”, “Саждагоҳ”, “Илоҳий инсон”, “Уфқ (“Горизонт”）”, “Парчалангандунё” ва бошқалар. “Уларда, - деб ёзади Марсел, - менинг фикрим қандай келган бўлса, шундай ифодаланади”<sup>2</sup>.

Г.Марселнинг фалсафий асарлари қўп бўлишига қарамай, унинг таълимоти қатъий мантиқий қоидаларга бўйсинмайди. Ҳаттоки, “Борлик синоати” номли асари фалсафий умумлаштирувчи асар бўлса ҳам, ундаги ғоялар биридан иккинчи келиб чиқмайди. Ўз асарларини лавҳавий хусусиятини Марсел бевосита фикрни келиши, шахсий кечинма тажрибаси билан боғлади. Унинг нуқтаи назарича, фалсафий таълимотнинг тизимлилиги – тажрибадан узоклашишга олиб келади, ўз манбасидан узилиб қолади. Бу йўлни дедуктивлик тамойилига асосланиб ривожлантириш хатоликка олиб келади. Лекин файласуф томонидан ана шу лавҳавийликни, плюрализмни ёқланиши, ҳақиқий воқеликни кузатаётганда, ўзининг тубидаги боғлиқлигига, яхлитлигига намоён бўлади.

---

<sup>2</sup> Marcel G. Le Mystere de l’Etre T.1. –Paris, 1951. –P. 29.

### **3. Габриэл Марселнинг диний-ахлоқий таълимоти**

Габриэл Марселнинг фалсафий драматургиясида ахлоқий муаммо асосий ўринни эгаллайди. Унинг дикқат марказида шахсий-рухий муносабатлар туради. Бу муносабатлар замонавий жамиятда бузилган, босиб қўйилган. Лекин ахлоқийликни атрофлича ривожлантириш зарур, бунда инсонни бутун борлиғи аалга ошади. Марсел ахлоқий нигилизмни танқид қиласди. Ташқи меъёрларга механистик амал қилинадиган иккюзламачи хулқни ҳам қоралайди. Ахлоқ ҳар бир инсоннинг танасидан ўтиши зарур.

Марселнинг ахлоқий мулоҳазаларида интерсубъективлик белгиловчи аҳамиятга эга. Агар инсон бошқа одамларга нисбатан объект сифатида қараса, уни дардини ҳис этмаса, ахлоқийлик бўлмайди. Марселнинг фикрига кўра, ўзга одам бегона “у” сифатида қабул қилинмаслиги керак, балки ички яқин қариндошдек бўлиши талаб қилинади. Марселга къеркегорча тушкунлик ахлоқи бегона. Унинг асарларида фожиавий ёлғизлик бартараф этилади. Инсон ахлоқийлиги худога бўлган эътиқоди орқали амалга ошади.

“Мен инсон ҳақидаги фан ютуғларини инкор қилмайман. Биз шунга амин бўлишимиз зарурки, гарчи инсон ҳақида қанча кўп билмайлик, унинг табиати шунча сирли бўлиб қолаверади. Махсус фанлар равнақи ... оддий, ягона жавоб имкониятини инкор қилмоқда. Ушбу билимларнинг ўсиши ягона жавоб учун умид ҳам қолдирмаяпти...”<sup>3</sup>. Габриэл Марселнинг бу иқрорига ярим асрдан зиёдроқ вақт ўтди, у ҳозирги замондаги инсон омили ҳақида гапиради.

Марсел фалсафасининг марказида экзистенция тушунчаси ётади. Экзистенция тушунчаси мистик-иррационал, спиритуал ва ҳиссийликнинг қоришмасидан ташкил топган. Марсел таълимотида тананинг ҳиссийлиги ўзига хос характерга эга. Бу мавзу “инкарнация”га тегишли, дейди

<sup>3</sup> Marcel G. L’homme problematique. –Paris, 1955. –Р. 74 //Тавризян Г.М. Экзистенция и объективность / Буржуазная философская антропология XX века. –М.: Наука, 1986. –С. 49.

файласуф, бунда рухий ва жисмоний тана ўзаро таъсирида бўлади. Инсоннинг хиссий, танавий тузилиши “заминий қобик” билан айнан бир нарса эмас. У субъектни ўзига бўлган соф инсоний муносабат жамланмаси, экзистенциал алоқалар меъёри, улар ибтидосидан инсоний рефлексив ва рухий бўлган. Зеро, булар христианлик анъаналари нуқтаи назаридан илгари сурилмаган. Ўхшаш жиҳатларни мистик таълимотлардан учратиш мумкин. Марсел кўпинча Мейстер Экхарт сўзларига мурожаат қиласди: “Жон фақат ўзига ажратилган танадагина гуноҳлардан халос бўлиши мумкин...”, бироқ Марселдаги “даҳлдорлик” мавзуси бошқачароқ мақсадларни кўзлайди, негизидан ўзгача хусусиятга эга. Умуман олганда, Марсел фалсафасида тирик инсонга тазиик ўтказиб бўлмайди, инсоннинг ҳаётга бўлган хуқуки муқаддас. Марсел христианликдаги аскетликни (таркидунёчилик), фанатликни (ҳаддан зиёд берилиш) танқид қиласди. Булар инсонни ҳаётга боғлиқлигини узади. Борлиқнинг метафизик жиҳатдан қадрсизлантирилиши ҳозирги даврнинг катта ҳалокатларидан бирини ташкил қиласди.

Худо тушунчасига, диний эътиқод масаласига Марсел замонавий инсонни ахлоқийлиги нуқтаи назаридан ёндашади. Ҳозирги замон одами бу ўз иқтисодий-мулкий асосларидан айрилишни истамайдиган, ижтимоий ўзгаришларни хоҳламайдиган инсондир. Марсел яшайдиган жамиятда ғамловчилар, кўпроқ “эга бўлишга” интилувчилар кўпайиб бораётганидан хавотигга тушади. Улар ҳаётий мазмунни моддий нарсаларга интилишларида топадилар, бошқа одамлар билан бой позитив муносабатларни ривожлантиришга ошиқадилар.

Ҳозирги ижтимоий тизим маданияти Марсел таъкидича, бузилган «эгалик» ибтидосининг намоёни сифатида мавжуд. Шунинг учун ҳам тараққиётнинг «чексиз ғалабаси» содир бўлмади. Ўрта аср ҳаёлот тимсоли бўлган «Орзудаги шаҳар» Европа маданиятининг ривожи даврида «заминий Тараққиёт шаҳри»га айланди. Бироқ XVIII асрдан бошлаб ижтимоий ҳулқда Марсел фикрича, чексиз худбинлик ва кескин

хузурланиш, лаззатланиш (гедонизм) етакчи тамойиллар бўлиб қолди. Европа маданияти кескин хузурни *ахлоқий таълимотлар* даражасига кўтариб қўйди. Зотан лаззатланиш амалиёти ҳамма давр учун хос бўлса ҳам, ҳозирги глобаллашув даври ахлоқий ривожида хайратомуз ҳодисага айланди. Бу жараённинг яна бир асосий омили Марсел фикрича, Европада насронийлик қадимдан қабул қилинган бўлса ҳам лекин христианлаштириш XII-XIV асрлар оралиғида содир бўлди. Бу тезисни Марсел, ўрта аср Уйғониш даврида вужудга келган инсонпарварлик таълимотларининг юзага келиши билан ҳам асослайди. Бироқ, Европа тафаккури борган сари манфаатли тафаккурга айлана борди. Бошқалар учун ўз-ўзини қурбон қилувчи насронийлик қаҳрамони, яъни доимо ҳукмронлик қилувчи, ғалаба қозонувчи қаҳрамон билан ўрин алмашди. Натижада бутун Европа-Америка тарихи насронийлик тартиботларининг мавжудлигига қарамасдан қадимги даврга қайтди. Бу жараёнларни таҳлил қилган Марсел шу нарсани таъкидлайдики, хусусий мулк мустаҳкамланиб боргани сари эгалик ҳисси ҳам кучайиб боради. Натижада равожланган бу тенденция Ғарб маданий, сиёсий ва кундалиқ ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олди.

Патологик истеъмолчиликда эгалик ҳиссининг ғалаба қозониши, Марсел фикрича, инсоннинг ички дунёсини ҳам ўзгартириб, нурсиз қилиб қўйди. Бу ҳақда замонавий ахлоқшунос олим А.Швейцер шундай ёзади: «инсон манфаатига хизмат қиласиган, маданиятни тушунадиган инсоннинг ўзи йўқолиб бормоқда, у тўқнаш келган шароитнинг ўзи фазилатларининг аста-секин йўқ бўлишига имкон яратмоқда, руҳий томондан эзмоқда»<sup>4</sup>. Габриэл Марсел фикрича, ҳозирги Ғарбий Европа маданиятида, демократик жамият қуриш ҳақидаги таълимотларда инсоннинг ўз-ўзини англаши ва билиш масаласи жуда долзарб муаммо сифатида кўтарилди. Гарчи XIX аср Ф.Ницше таъкидига кўра, худонинг ўлими даври бўлса; XX аср эса Марселнинг таъкидига кўра, инсоннинг ўлими даври бўлди! Зотан,

<sup>4</sup> Швейцер А. Культура и этика. –М., 1974. -С. 40.

маданиятда «инсон муаммоларини фожиявийлаштирувчи ҳеч нарса қолмади», - дейди Г.Марсел. Маданият тобора «механистик» характерга эга бўлиб, ҳаётийлик, жилвакорлик ўрнини тафаккур ва хулқнинг маданийлашган модели эгаллади, бу моделлар максимал даражада прагматик манфаат учун хизмат қила бошлади. «Хозирги индустриал маданиятнинг хусусиятли белгилари ҳаётийлик эмас, балки механизмнинг ишлаш техникаси бўлди ... некрофил ҳаётга бўлган ижирғаниш, бу механизмлардан ҳайратланиш яққол кўзга ташланди».

Замонавий маданият ривожидаги барча салбий ҳодисалар маърифий, маданий, сиёсий жиҳатдан қайта қуриш, ислоҳ қилиш заруратини қатъян талаб қиласди. Хусусан, бу ўзгаришлар инсонларнинг ижтимоий-рухий қадриятларига ҳам тегишли бўлади ва бу ўз ўрнида инсониятни ҳалокат йўлидан қутқариб қолишга ёрдам беради. Хозирда ҳукмрон бўлган «эгалик» йўналиши «борлик» билан ўрин алмашиши зарур. Соф ҳақиқий инсонийлик муносабатлари Марсел фикрича, инсониятнинг кўп асрлик ахлоқий тажрибаси билан мос келади. Зотан «борлик» ҳодисаси ҳозирги маданиятда йўқолмасдан четга чиқиб қолган экан, жамиятни «қайта қуриш» мумкинлигини, Марсел умид қилган эди.

Ғарб жамиятининг асосий маданий ва сиёсий вазифаси мазкур жамиятнинг маданий қадриятларини тубдан қайта кўриб чиқиб, ижтимоий онгни янги, ҳақиқий инсонпарварлик қадриятига йўналтириб юборишдан иборат, «ижтимоий характерни», жамият «қалбини ўзгартириш» зарур.

Ижтимоий характер жуда қудратли кучга эга бўлган ижтимоий омилдир, жумладан, бу муайян ижтимоий-иқтисодий тизимга тўғри келадиган индивидуал хулқни шакллантиради. Демак, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ижтимоий характерга таянmas экан, унда янги ижтимоий-сиёсий институтлар ўзгармайди, “эскича” қолади.

Шундай қилиб, ноинсоний қадриятлар асирига айланган сиёsat ва ижтимоий технологиялар инсоннинг эркин ривожи учун муқобил йўлларни кўрсата олмайди, балки уни ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйиши

мумкин. Инсонпарвар руҳият Марсел фикрича, замонавий шароитда ижтимоий характерни ўзгартериш воситаларини кўрсатиб бериб, онгизлиқ даражасидаги «эркинликдан қочиш» тизилмасини, инсон табиат эҳтиёжларини англашга ёрдам бериши зарур. Марсел таҳмин қиласи: инсонпарвар руҳий таҳлил таъсири натижасида одамлар ўзларининг ички табиатларини англайдилар, ҳақиқий мавжудликнинг зарурлигини тушунадилар. Негизида «эгалик» ётувчи жамиятнинг ахлоқий-рухий, ижтимоий-иқтисодий пойдевори қайтадан қурилади. У маданиятнинг инсонпарварлик қадриятларига йўналтирилган шахсий ва ижтимоий онгнинг фаоллашуви сиёсий янги ғоя бўлиши зарур – деб баҳо беради.

Марсел инсонлар ўртасидаги соф дўстона муносабатлар тарафдори бўлади. Ҳақиқий ахлоқийлик жамиятда умумий қабул қилинган иккюзламачи хулқий меъёрлардан устун туради. Бу муносабатлар бошқа одамларга нисбатан ўзга объект сифатида муносабатда бўлса, унинг тақдирига бефарқ бўлса ҳақиқий ахлоқийлик бўлмайди. Марсел учун ўзгалар билан мулоқотда бўлиш бу “жаннат”дир. Шу нуқтаи назардан файласуфнинг дунёкараши бошиданоқ кўтаринки руҳият билан йўғрилган, у ерда маънавий ҳаёт қадриятларининг қайта тикланишига умид бор.

Маънавий қадриятларни излашда, қайта тиклашда Марсел динга мурожаат қиласи. У одамларнинг бегоналашуви ҳақида гапиради. Бу масалага бироз кенгрок тўхтаб ўтамиз.

Бегоналашув – фалсафий-социологик категория ҳисобланади. Бегоналашув инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва у бажарадиган вазифаси ўратасидаги азалий боғлиқликнинг бузилиши ҳисобланади. Бу тушунча биринчидан, инсон фаолияти маҳсулларининг, ҳам амалий фаолият маҳсуллари – меҳнат маҳсуллари, пул, ижтимоий муносабатлар ва ҳоказолар, ҳам назарий фаолият маҳсулларининг натижасидир. Шунингдек, инсоннинг хусусиятлари ва қобилиятларининг кишиларга боғлиқ бўлмаган ва улар устидан ҳукмонлик қиласиган қандайдир бир нарсага айланиши жараёни ва натижаларини ифодалайди.

Иккинчидан, бирон-бир ҳодисалар ва муносабатларни уларнинг асли ҳолатидан бошқача бир нарсага айланишини, кишилар онгидаги уларнинг реал ҳаётий муносабатлари бузук шаклга кирганлигини характерлайди.

Бегоналашиш тушунчасини инсоний маданиятнинг жаҳон тарихида турли ҳолатларда, турли шаклда, турли мазмунда, турли фалсафий йўналиш вакиллари қўллаганлар. Масалан, қадим юонон фалсафасининг ирик вакили Арасту, бу терминни «жамоадан ҳайдалган инсонни» ҳамда «хусусий мулқдан ажралиш» ҳолатини аниқлаш учун ишлатган.

Христианлик илоҳиётида «Худодан бегоналашган» инсон тимсоли ифодаланган. «Гуноҳкор тана» билан «эркин рух» ўртасидаги ажралиб қолганлик бу тушунча орқали белгиланган (Ориген). Мистицизмда (теософия, антропософия, суфизм ва бошқалар) бегоналашув руҳий экстаз орқали заминий занжирлардан қутулиш сифатида талқин қилинган. Бу орқали «ҳақиқат» ва «соф билимга» эришиш назарда тутилган.

Бегоналашувнинг дунёвий талқинида инсон эркин фаолиятини ижтимоий шароитлар орқали тўсиб қўйилиши ва бузилишига диққат эътибор қаратилади, масалан, шахс эркинлиги масаласи, ҳайдалиш ва ҳоказолар.

Бегоналашув тушунчаси XVIII аср немис ва француз Маърифатпарварлигига, инсонпарварлик таълимотларида ҳам кенг қўлланилган. Бегоналашув ғоясининг манбаларини француз маърифатпарварлари Ж.Ж.Руссо<sup>5</sup> ва немис романтизми вакиллари Гете, Шиллер атрофлича кўриб чиққан. Объектив равишда бу ғоя хусусий мулкчилик муносабатларининг инсонпарварлик ғояларига қарши норозиликни ифодаларди. Бегоналашув муаммоси кейин немис классик фалсафасида чуқур ишлаб чиқилди. Жумладан, Фихтеда<sup>6</sup> предметни (Мен-

<sup>5</sup> Қаранг: Кузнецов В.Н., Мееровский Б.В., Грязнов А.Ф. Западно-европейская философия XVIII века. – М.: Высшая школа, 1986. – С. 212-235.

<sup>6</sup> Қаранг: Кузнецов В.Н. Немецкая классическая философия второй половины XVIII- начала XIX века. – М.: Высшая школа, 1989. – С. 151-155.

эмас) соф «Мен» деб фараз қилиш бегоналашув сифатида юзага келади. Бегоналашувнинг тўлиқ шархини Гегел<sup>7</sup> берди.

Гегелда бутун объектив олам «бегоналашган рух» сифатида юзага келади. Унинг фикрича, тараққиётнинг вазифаси – билиш жараёнида бу бегоналашувни олиб ташлашдан иборат. Шу билан бирга Гегелнинг бегоналашув тушунчасида антогонистик жамият шароитида меҳнатнинг баъзи хусусиятлари тўғрисида оқилона фаразлар бор.

Шунингдек, бегоналашув назариясини немис «диалектик материализми»нинг йирик вакили Карл Маркс ривожлантирди. Бу назариянинг ғоясини Маркс *динни* танқид қилишда қўйидаги диалектик тафаккур усулидан фойдаланган сўл гегелчи Людвиг Фейербахдан (1804-1872) олган эди.

1. Аввал одамлар бегуноҳ бўлиб, ўзаро уйғунликда яшайдилар.

2. Вакт ўтиши билан одамлар Худо тимсолини яратадилар. Бунда улар Худони одам яратганини англамайдилар. Улар бу Худони ўзларидан фарқ қилувчи, таҳдид солувчи ва жазоловчи ташқи куч сифатида тушунадилар. Аслида, Фейербахнинг фикрига кўра, бу Худо инсон атрибутларининг ташқи намоён бўлиши ҳисобланади. Худо одамни яратмади, балки одам Худони яратди.

Одам энди ўзи ва аслида ўзининг ташқи ифодаси бўлган ташқи куч ўртасида гўё иккига бўлинади. Мана шу иккига бўлиниш – бегоналашувдир: одам ўзининг бўлагига ёки ўзига бегона бўлиб қолади.

Мана шундай бегоналашган ҳолатда ҳам одам Худони мустақил куч сифатида, ўзини эса кучсиз, деб идрок этади. Инсон ўзи томонидан яратилган Худо тимсолининг қулига айланади. Одам ўзи яратганинг таҳдида ва танқидига учрайди.

3. Мана шу бегоналашувни бартараф қилиш учун инсон ўзи билан Худо ўртасидаги ҳақиқий муносабатларни билиши керак. У ташқи

---

<sup>7</sup> Ўша ерда. –Б. 339-389.

куч, деб тасаввур қилаётган Худо, унинг ўзи яратган нарсадан бошқа нарса эмас.

Фейербах бу бегоналашувни бартараф қилиш учун динни танқидий таҳлил қилиш кифоя қилади, деб ҳисоблар эди. Агар одамлар ўzlари билан худо ўртасидаги ҳақиқий муносабатни англашса, улар динга ишонмай қўядилар. Энди улар оғриқли икки қисмга бўлиниш ҳолатида яшамайдилар, ўzlари билан ўzlари, ўzlари яратган нарса билан ярашиб оладилар.

Бизнинг мақсадимиз Фейербах атеизмининг ҳақиқийлигини баҳолаш эмас (Худонинг мавжудлигига қарши далиллар келтиришда атеизм эътиrozлардан холи бўлолмайди). Биз учун муҳими бегуноҳлик ҳолатини (бартараф қилишни) ҳам қамраб оладиган диалектик схема бўлиб, динни танқид қилиш шу бегоналашувни енгиб ўтиш воситасидир. Шундай қилиб, биз яна уйғунликка, лекин юқорироқ даражадаги уйғунликка келамиз, чунки одамлар мана шу жараёнлар ёрдамида ўzlари ҳақида биринчи уйғунлик ҳолатида билмаган нарсаларни билиб оладилар.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Ғарбий Европада бегоналашув муаммосини турли фалсафий оқимлар ўзига хос тарзда кўриб чиқиб, ҳал этишга ҳаракат қилдилар. Шунингдек, ғарб файласуфлари, социологлари саноатлашган жамиятда бирдамлик туйғусининг йўқолишини (Дюргейм), ижтимоий ҳаётнинг формаллашувини (Зиммел), шахс хатти-харакатининг меъёрдан оғишини (Мертон, инсоннинг) мавжуд жамиятга нисбатан танқидий муносабатини, мукаммаллаштиришга бўлган қобилиятни (Фромм) бегоналашув ҳодисасининг юз бериши, деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги Ғарб жамиятида бегоналашув шу даражада кенг тарқалиб, ижтимоий ҳодиса тусини олганки, америкалик психолог М.Маккаби, ҳатто, жамиятда барча бошқа одамлардан бегоналашган ва уларни ўзининг душмани деб билувчи шахс хилини («Чангалақзордаги жангчи») ажратиб кўрсатади.

Бегоналашув масаласи «Ҳаёт фалсафаси»нинг вакиллари бўлган Ф. Ницше, О. Шпенглер таълимотларида ҳам ривожлантирилган. Немис файласуфи Ф. Ницше бегоналашувни инсон руҳияти ва ирода кучи орқали очиб беришга ҳаракат қилган. «Инсондаги руҳият... тобора сўниб бормоқда. Ижодкорлик руҳи сустлашганда, инсон тубанлашиб кетади. Масалан, ҳозирда иродаси бўш одамларнинг ичкиликка, гиёхвандликка берилиб кетиши инсонни инсоний эмас, балки маҳлуқлик хислатларини ривожлантириб юбормоқда. Руҳий покликка эса инсон фақатгина нафсини тийсагина эриша олади. Бундай кучни Ницше ирода кучи, деб атайди. Бу орқали ташқи муҳитни ҳам ўзгартириб юбориш мумкин»<sup>8</sup>.

Яна бир немис фалсафаси вакили О. Шпенглер эса бегоналашув масаласини цивилизация ва маданият тушунчалари орқали очиб беришга ҳаракат қилган. Унинг фикрига кўра, цивилизация бу бегоналашган инсонлар жамиятининг орқага кетишидир. «Сўнгра, маданият ўзининг учунчи, охирги даврига қадам қўяди – орқага кетиш даври, цивилизация даври бошланади. Бу даврда маънавий ҳаёт сўна бошлайди, диний эътиқод сусаяди, фалсафий таълимотлар юзаки бўлиб қолади, санъат ҳам ўлади. Қуруқ рационализм ва материализм дунёқарааш асосини ташкил қиласиди. Ҳаётнинг ташқи томонлари ички руҳиятни енгиб боради.

Маданиятнинг яқинда эришган ютуқлари аста-секин хотирадан чиқиб боради. Инсонлар биологик мавжудотларга айланиб қолади. «Мазмунсизлик, зоологик ҳукмронлик қила бошлайди, - деб ёзади Шпенглер, - ҳамма нарсага бефарқлик бошланади. Маданий организм тарихий ҳодиса сифатида ўлади. Лекин бу ҳамма инсон ўлиб кетишини англатмайди, балки улар фақат биологик мавжудот сифатида яшайди»<sup>9</sup>.

Шунингдек, бегоналашув масаласи ривожига немис ва француз экзистенциализми вакилари ҳам ўз ҳиссаларини қўшган. Жумладан, немис файласуфи М.Хайдеггер ўзининг мавжудлик таълимоти орқали, К. Ясперс

<sup>8</sup> Йўлдошев С. ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. –Тошкент: Шарқ, 2002. –Б. 204

<sup>9</sup> Ўша ерда. –Б. 235.

жамиятдаги техниканинг аҳамияти орқали, француз файласуфи Ж.П.Сартр эркинлик ва инсон руҳияти муносабати масалалари орқали бу таълимотни ривожлантирган.

Шундай қилиб, бўлимни ниҳоялаб айтишимиз мумкинки, бегоналашув масаласи фалсафа тарихида катта аҳамиятга эга бўлган муаммолардан ҳисобланади. Юқорида кўриб чиққанимиздек, бу ҳодисага турли даврда яшаган файласуфлар ўз нуктаи назаридан ёндашиб, уни ҳал этишга ҳаракат қилганлар. Лекин бу мазкур масалани доимий долзарблигини йўқотмайди. Чунки инсон бор эканки, у яшар эканки, унда доимий ўз ечимини кутаётган муаммолар бўлади. Шулар жумласидан, бегоналашув масаласи ҳам доимий кун тартибида турувчи долзарб масалалардан бири бўлиб қолаверади.

Марсел илгари сурган ахлоқий ғоялари бу – қурбонлик, шафқатсизлик, бўйсинувчанлик, умид, ва-ниҳоят, ҳаммани кечиравчи муҳаббатдан иборат. Булар инсонларнинг ижтимоий фаоллигини сусайтиради, ижтимоий тенглик талабларини бузади.

Марсел учун дин келиширувчи, зиддиятларни ҳал қилувчи қудратга эга. Файласуфнинг фикрига кўра, “биз уруш ҳолатидаги дунёда, ўзимиз билан уруш ҳолатида яшаяпмиз. Бу ҳолат жуда чуқурлашиб кетган”. Бу ҳалокатдан қутулиб бўлмайди. Лекин христианлик экзистенциализми нуктаи назаридан бу инсонларни умидсизликка туширмаслиги керак. Унинг таъкидига кўра, “иттифоқ кемаси” ҳаммани ҳалокатдан асрайди. Бу иттифоқ христианча ахлоқ нормаларига асосланган. Муҳаббат билан руҳланган қалб, ўзининг худбин “мен”идан халос бўлади ва илоҳий “мутлак” билан учрашувга шай бўлдаи. “Умид метафизикаси” инсониятни қуролсизлантиришга ёрдам беради.

## ХУЛОСА

Марселнинг дунёқараси турли назарий манбаларга асосланади. Унга Гегель ва Шеллинг таълимоти, инглиз-америкача мутлоқ идеализм намояндаси С.Кольридж ва айниқса, Жон Ройс, А.Бергсон ва У.Жеймс қарашлари таъсир қилган. Ушбу таълимотларга таянган ҳолда Марсел, шу билан бирга улар билан баҳс қилиб, ўзининг фалсафий таълимотини шакллантиради. Бу таълимотнинг шахсий тажриба таҳлилига бориб тақалади.

Габриэл Марсел инсон масаласини ҳал қилиш учун нафақат анъанавий христианликка мурожаат қилди, балки бу чегаралардан чиқиб кета олди. Баъзида унга қарши чиқди. Шунингдек, Марсел антик фалсафага, унинг донишмандлигига, уйғунликка интилишига ҳайрихохлик билан қарайди. Файласуф ижодининг сўнгги йилларида орфизмга оғади, уни орфизм ғоялари рухлантиради. Айниқса, унга Р.М.Рильке символикаси катта таъсир қиласи. Бу ерда Марселга ҳаёт метаморфозалари ғояси яқин туради, яъни унга кўра, бутун коинот рухланган ва тирик. Жумладан, Рилькенинг “Дуин элегиялари”дан Марсел ҳаёт ва ўлим ўртасидаги чегаранинг янги ечимини топади. Кейинчалик Марсел фалсафасида инсон йўқолиб боради. Инсон коинотнинг ягона маркази бўлмай қолади. Унда яна атроф мухит, табиат ва олам билан уйғунлик муаммоларига урғу берилади. Бу тенглик ахлоқийликка йўл очади.

Умуман олганда, XX асрда ғарб мамлакатларининг ижтимоий муаммолари, оммавий ҳалокатлар: қувғин қилинганлар, қочоқлар, кўчманчилар ва гетто (таъкиқ қўйилганлар), стихияли урбанизациялар, қишлоқ жойларини бўшаб қолиши инсон омилига салбий таъсир қўрсатди. Бу ходисаларнинг ҳаммасида Марсел ҳаётий занжирларни зўравонлик билан узилишини, инсонийликни емирилишини кўради. Шундай қилиб, объектив воқелик ва экзистенция ўртасидаги зиддият ечимсиз масала сифатида қолаверади.

Марсел қадриятлар ҳақида ҳам фикр юритади. У бу фикрларни давом эттириб қадриятларни инсон қабул қылсагина, қадриятлар уни устидан ҳукмронлик қилиши мүмкин. Агар қабул қилмаса, кучини йүқтотади дейди. Шу фикрдан маълум бўладики, қадриятларни ҳамма ўзи учун ўзи белгилайди, қадриятлар инсонни эмас. Лекин қўпинча инсонлар қадриятлар қурбони бўлганини, унинг қулига айланиб қолганини кўришимиз мүмкин. Масалан жамият талаблари, қимматбаҳо буюмлар, орзу умидлар ва шу каби қадриятларни, инсоният эркини чеклаб қўйишини тан олишга афсуски биз мажбурмиз. Чунки инсон ижтимоий мавжудот. У хоҳлайдими йўқми бошқалар билан ҳисоблашишга ва ҳар бир хатти-ҳаракатида бошқаларни ҳам ҳисобга олшига мажбур.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **1. Расмий хужжатлар, материаллар**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
- 1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -440 б.
- 1.3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -176 б.
- 1.4. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -24 б.
- 1.5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. –Тошкент: Шарқ, 1998. -32 б.
- 1.6. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Тошкент: Шарқ, 1998. - 144 б.
- 1.7. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -480 б.
- 1.8. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродалилигига ишонаман //“Фидокор”, 2000, - 8 июн.
- 1.9. Каримов И.А. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт //Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Т. 7. –Б. 274-292.
- 1.10. Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз курилишида биз руҳий маънавий куч-кувват манбаи // Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –Т. 8. –Б. 462-474.
- 1.11. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. – Т.: Ўзбекистон, 2000. -524 б.
- 1.12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. -Тошкент: Ўзбекистон, 2003. -320 б.

1.13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. -Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -448 б.

1.14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-том. -Тошкент: Ўзбекистон, 2006. -280 б.

### **1. Биринчи манбалар**

2.1. Marcel G. L'homme problematique. –Paris, 1955. –P. 74.

2.2. Marsel G. Le Mystere de l'Etre. –Paris, 1951. –T. 1. –P. 116.

2.3. Marsel G. Essai de philosophie concrete. –Paris, 1951. –P. 36.

2.4. Marsel G. Etre et Avoir. –P. 1935. –P. 16.

### **2. Монографиялар, рисолалар, тўпламлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, даврий нашрлар**

3.1. Александров Г. Ф. История западноевропейской философии: Учеб. для ун-тов и гуманит. фак. вузов / Ин-т философии. - 2-е изд., доп. - М.-Л.: АН СССР, 1946. -513 с.

3.2. Виндельбанд В. История философии. -Киев. 1997.

3.3. Горбачев В.Г. История философии: Учебное пособие для аисшсий шк. -Брянск. 1990.

3.4. Гриненко Г.В. История философии. –М.: Юрайт-Издат, 2006. - 688с.

3.5. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. Қадимги ва ўрта аср Фарбий Европа фалсафаси. –Тошкент: Шарқ, 2003. -208 б.

3.6. Зотов А.Ф., Мельвиль Ю.К. Буржуазная философия середины XIX начала XX века. –М.: Высшая школа, 1988.

3.7. Зотов А.Ф. Современная западная философия. –М.: Высшая школа, 2001.

- 3.8. Кузнецов В.Н., Мееровский Б.В., Грязнов А.Ф. Западно-европейская философия XVIII века. –М.: Высшая школа, 1986. –С. 212-235.
- 3.9. Кузнецов В.Н. Немецкая классическая философия второй половины XVIII- начала XIX века. –М.: Высшая школа, 1989. –С. 151-155.
- 3.10. Кузнецов В.Н. Французская буржуазная философия XX века. – М.:Мысль, 1970. – 318 с.
- 3.11. Кузнецов В.Н. Жан Поль Сартр и экзистенциализм. –М.: Мысль, 1970. – 211 с.
- 3.12. Лосев А.Ф. Философия. Мифология. Культура. –М.: Политиздат, 1991. -524 с.
- 3.13. Мир философии. В 2-х томах. –М. 1979.
- 3.14. История философии в кратком изложении. - М.: Мысль, 1994. - 590 с.
- 3.15. Рассел Б. История западной философии. –М., 1957.
- 3.16. Рассел Б. История западной философии. –Новосибирск: Проспект, 2001. -680 с.
- 3.17. Реале Дж. Западная философия от истоков до наших дней. Т. 1: Античное время / Реале Дж., Антисери Д. - СПб.: ТОО ТК «Петрополис», 1996. - 713 с.
- 3.18. Семенова С.Г. Метаморфоза пола: Платон, Фрейд и гностицизм //Российский психоаналитический вестник. 1991. № 1. –С. 89-99.
- 3.19. Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. –Тошкент: “Шарқ”, 2002. -720 б.

- 3.20. Современная буржуазная философия и религия. –М.: Политическая литература, 1977. – 376 с.
- 3.21. Хрестоматия по истории философии (Западная философия). В 3 ч. Ч. 2. –М.: Гуманит изд., центр ВЛАДОС. 1997. -528 с.
- 3.22. Хрестоматия по философии: Учебное пособие. –М., 1998.
- 3.23. Хрестоматия по философии. –М.1987.
- 3.24. Шопавалов В.А. От классики до современности. –М. 1999.
- 3.25. Швейцер А. Культура и этика. –М., 1974. -С. 40.
- 3.26. Фарб фалсафаси (Қ.Назаров ва бошқалар. Тузувчи ва масъул мұхаррир). –Тошкент: Шарқ, 2004. –720 б.
- 3.27. Қаххорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: TAFAKKUR, 2009. – 448 б.
- 3.28. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. -371 б.